Ушбу сонда:
2 ЁШ БОЛАЛИ ОНАЛАРГА ҳақ тўланадиган қўшимча таътил
3 СЕНИНГ ФАРЗАНДЛАРИНГ, ҲУР ЎЗБЕКИСТОН!
4 Эл нетиб топғай мениким... ҲИРОТ АДАБИЙ МУҲИТИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОИЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 5 август, жума № 123 (1964)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## «МАҲАЛЛА ОИЛАСИ»

***Фарғона вилоят маҳаллаларида ўтказилаётган хайр-саховат тадбирлари ана шу ном билан аталди. Тадбирлар доирасида маҳаллалардаги нуроний кариялар ҳолидан хабар олиниб, кам таъминланган оилаларга мурувват ёрдами кўрсатилмоқда.***

Фарғона шаҳрининг «Бибихоним» маҳалласида ташкил этилган тадбирга юз билан юзлашган йигирма нафардан зиёд пиру бадавлат онахонлар таклиф этилди. Уларга жамғарманинг совғалари топширилди. Маҳаллалардаги «Энг ибратли оила», «Энг ёши улуғ фахрий» аниқланиб, улар ҳам муносиб тақдирландилар. Спорт мусобақалари ва бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари ҳам барчага манзур бўлди.

Кўқондаги «Буюк ипак йўли» тўйхонасида ташкил этилган ана шундай тадбирда эса кам таъминланган оилаларнинг 13 нафар фарзанди тўйи ўтказилди.

*Қир-адирлар ортида*

## ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

### одамлар ҳаётидаги ўзгаришлар билан белгиланади

***Касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналиши ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Раҳбарият ва касаба уюшмасининг баҳамжиҳат иш олиб бориши мақсадлар муштараклиги, жамоада кўтаринки руҳ, аъло кайфият ва ниҳоят иқтисодий-ижтимоий юксалишга олиб келади.***

Бундан ўн йил муқаддам хўжалигимизда 16 минг 200 бош қўй бўлиб, самарадорлик даражаси атиги 1,4 фоизни ташкил этар эди. Хўжалик тўлиқ оила пудратига ўтказилгач, меҳнатга муносабат тубдан ўзгарди. Чўпончўлиқларда мулкка эгалик ҳисси шаклланди. Иқтисодий тежамкорлик режими қарор топди.

Ислоҳотлар самараси амалда намоён бўлди. Қўйлар сони 39 минг, совлиқлар 17 минг 108 бошга етди. Яйловларимиз вилоят марказидан анча олисда жойлашган. Қиш қаҳратони, ёз жазирамаси, баҳор сел-тошқинлари ва куз инжиқликларига бардош бериб қўй-қўзи боқаётган чўпон-чўлиқларимиз тўл мавсумини муваффақиятли якунладилар. Мавжуд 92 отардаги совлиқларнинг ҳар юзидан 108 тадан қўзи олинди. Қоракўл тери ва жун сотиш шартнома режаси ошириб бажарилди.

Тармоқдан бултур 78 миллион сўм соф фойда олинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 100 миллион сўмдан ошади. Рентабеллик даражаси 38,3 фоизга тўғри келди. Бугунги чўпон нафақат қўй изидан юрувчи, балки маънавияти юксак, билим ва тажрибаси етарли киши. Отарлардаги ўтовларда радио, телевизор бор. Хўжалик маркази обод ва файзли. Тиббиёт пункти, савдо дўконлари ишлаб турибди. «Сиҳат-саломатлик йили»да болалар спорт мажмуаси қуриб, ишга туширилди. Мактаблар таъмирдан чиқарилди.

Моддий манфаатдорлик ютуқлар гарови. Шартномадан ортиқча 1300 бош қўзи чорвадорларга тарқатилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун 10 миллион сўм маблағ ажратилди. Чақмоқ яйловида қўй боқаётган Акмал Жуманазаров ҳалол ишлаб топган маблағи эвазига тўкин ҳаёт кечирмоқда. Рўзғори баракали, оила аъзолари учун ҳамма шароит бор.

Астойдил меҳнат қилаётган Мардон Ялғошев, Қаҳрамон Усаров, Чинтемир Мусаев, Раҳматулла Акромов каби чўпон оилалари ҳеч нарсадан зориққанлари йўқ.

Хўжалик мутахассислари, тиббиёт, савдо, маданият-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари чорвадорлар аҳволидан хабар олиб туришибди. Яқинда туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар тиббий кўрикдан ўтказилиб, тегишли муолажалар олиб борилди.

Чўпон меҳнати машаққатли. Шу боис қир-адирлар ортида эл-юрт чорвасини кўпайтириб, дастурхонига барака киритаётган чорвадорлар тўғрисида ғамхўрлик касаба уюшмасининг доимий ишига айланган.

**Ё.НОРБОБОЕВ,**
**Нурота туманидаги «Қизилча» ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси**

## ҲАҚИҚАТНИ БУЗИБ БЎЛМАЙДИ

*Муносабат*

***Қаршидан Ғузор томон юрсангиз Катта Ўзбек магистрал йўлининг ўнг ёнида бир қишлоқ кўзга ташланади. Қадимдан унинг мафтункор манзараси, жаннатмакон боғу роғлари, шарбатга тўлган узумлари, ажойиб қовунлари оғиздан-оғизга кўчган.***

Мана уч йилдирки, бу ерда экологиянинг ёмонлашуви қишлоқ одамлари саломатлигига, теварак-атрофга салбий таъсир ўтказмоқда. Сабаби Қаршидаги Хонобод ҳарбий базаси ёки американликларнинг ўзлари К-2 деб атайдиган базадан учаётган самолётларнинг таъсири яққол билиняпти. Одамлар билан фикрлашсангиз дилларидан отилиб чиқадиган биринчи калима шундай бўлади: "қачон бизга ҳам осуда ҳаёт кечириш насиб этаркин".

- Ҳарбий самолётларнинг туни билан парвоз қилиши, учиб-қўниши уйларимизни зириллатади, ёш болаларимиз қўрқиб кетиб, чинқираб қолишади. Баъзан чорва моллари сақланадиган бинолар қулаб тушади, жониворлар арқонини узиб қочади, - дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Отаулла Зиёдов. - Боз устига оқар сув келмай қўйди.

Хонободдаги 716 та хонадонда беш мингдан ортиқ киши яшайди. Тўққизта фермер хўжалигига 150 гектар ер ажратиб берилган. Ҳарбий база вужудга келтирилгандан буён тадбиркорлар деҳқончилик қилишга қийналиб қолишди. Экологиянинг чатоқлиги, сув танқислиги ва бошқа жиҳатлар туфайли экинзорлардан мўлжалдаги ҳосил олинмаяпти. "Умарбек" фермер хўжалигида фаолият юритаётганлар билан фикрлашсангиз: "ернинг умри зое ўтаётганлигидан, меҳнатимиз бесамар кетаётганидан сиқиляпмиз. Тажрибакорлар, мутахассисларни жалб этиб, муаммони ҳал этиш мақсадида уларни даламизга бошлаб бориш учун ҳам рухсат олишимиз керак. Қачонгача ўз она еримизда қисиниб, қимтиниб яшаймиз. Ахир, ўз вазифасини адо этиб бўлган бегона ҳарбий базани ушлаб туришга не ҳожат?".

Қишлоқдаги турли соҳа кишилари билан мулоқотлардан шу нарса ойдинлашдики, мустақилликка эришилгандан буён ўтган давр мобайнида қўлга киритилган улкан муваффақиятлар уларнинг кўнглини тоғдек кўтарди, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлади. Айни пайтда халқимиз қалбида ўчмас доғ қолдирган воқеалар хонободликларнинг ҳам кўзини очди, ҳамиша, ҳар он огоҳу ҳушёр яшашга ундади. Хонобод бўйича эҳтиросларнинг жунбушга келиши ҳам уларни чуқур ўйлантирмоқда, мушоҳада юритишга ундамоқда.

Ғарб матбуоти Хонобод базасидан инсонпарварлик юкларини ўтказиш учун фойдаланилмоқда, агар у ёпилса Афғонистон шимолига дейлик, озиқ-овқатларни элтишдаги вазиятни мушкуллаштиради, каби фикрларни билдирмоқда. Қишлоқ фермерлари, соҳибкорлари эса, бу каби пуч гаплар ҳақиқатга тўғри келмайди, инсонпарварлик юкларини "Дўстлик" кўприги орқали ўтказиш ҳар томонлама қулайдир, деган жавобни беришди.

Ҳа, энди одамларимиз эҳтиросларга берилиш, уйдирма, бўҳтон тарқатиш, мустақил Ўзбекистонимизни жаҳон жамоатчилиги олдида обрўсизлантиришга уринишлар замирида нима ётганлигини яхши англаб етдилар. Ғанимлар мақсади минтақамизни уруш-жанжаллар гирдобига ботиришдир. Минтақа давлатлари, хусусан Ўзбекистонни гўёки ўз қўлида ўйинчоқ қилмоқчи улар. Боз устига бебаҳо бойликларимизга кўз тикканлар ҳам оз эмас. Шу нарса ҳам маълумки, минтақамизда яна бир қудратли давлат пайдо бўлишини сира исташмайди. Уларга майда-чуйда давлатлар бўлгани маъқул. Шунда бу давлатларга сўзларини ўтказиш осон кечади. Бу хомхаёлдан бошқа нарса эмас, албатта. Ҳақиқатни эса асло бузиб бўлмайди.

Фермер хўжалигидаги суҳбатда чеҳрасидан нур ёғилиб турган отахон шундай деди:

- Бир нарсадан қаттиқ аламдамиз. Яъни қора кучларнинг ярамаслиги, алдови туфайли Андижон шаҳрида юртдошларимиз ҳалок бўлди, яна десангиз, лагердагилар орасидаги бегуноҳдан-бегуноҳ кишилар, ҳатто болалар муқаддас она заминидан жудо бўлмоқда. Ақл бовар қилмас ярамас ишларга қўл урган кимсалар билиб қўйсин, Ўзбекистон - мустақил давлат. Фидокор халқимиз ўз тақдирини ҳамиша ва ҳар қачон ўзи ҳал этади.

**И.ТИЛЛАЕВ,**
**Хонобод қишлоғи**

*Долзарб мавзу*

## БОРЛИҒИМИЗНИ БАХШИДА ЭТАЙЛИК

***Йил бўйи чанг-тўзон уфуриб турадиган Қизилқум кенгликларида, улкан саноат, қурилиш ташкилотлари жойлашган бепоён ҳудудда атмосфера ҳавосини муҳофазалаш катта аҳамиятга эга.***

Навоий вилоятининг мутасадди ташкилотлари, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, унинг жойлардаги бўлимлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик вазиятни соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратганлар. Амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли ифлослантирувчи моддаларни атмосферага чиқариб ташлаш ва оқава сувларни ер усти сув ҳавзаларига оқизиш ҳоллари камайиб бормоқда, чиқиндилардан иккиламчи тарзда фойдаланиш ҳажми анча ортди. **Табиатни муҳофаза қилишга йил давомида 5 миллиард, сув ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш учун 2,4 миллиард, ерларни ирригациялаш, мелиорациялаш ва шўрланишнинг олдини олишга 6,2 миллиард сўм маблағ сарфланди.** Табиат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва экологик билимларни тарғиб этиш, аҳоли ўртасида таълим ва тарбия ишларини олиб бориш ишлари кучайтирилди. Навоий шаҳри маданият ва истироҳат боғида «Экология ва саломатлик кунлари» биринчи босқичи якунларига бағишланган «Экофестивал-2005» ўтказилди. Боғнинг марказий майдонига шаҳар корхона, ташкилотлари вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, ўқувчи-ёшлар тўпланишди. Улар она табиатга муносабат, уни асраб-авайлаб, келажак авлодларга етказиш мавзусидаги кўргазма ва экспозициялар билан танишдилар.

«Сиҳат-саломатлик йили»га бағишлаб ўтказилган «Вилоятимиз, шаҳримиз ва туманимизни юксак санитария маданияти ўлкасига айлантирамиз» кўрик-танлови мамлакат босқичида Зарафшон шаҳри ғолиб, деб топилди ҳамда халқаро жамғарманинг махсус дипломи, қимматбаҳо совғалари билан мукофотланди. Вилоят босқичида эса Зарафшон шаҳри, корхоналар бўйича «Қизилқумцемент» очиқ ҳиссадорлик жамияти, маҳаллалар ўртасида Кармана тумани «Дўстлик» маҳалласи ғолибликни эгаллади. «Соғлом муҳит – соғлом турмуш асоси» шиори остида уюштирилган умумхалқ шанбалигида минглаб кишилар қатнашди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ушбу мавзудаги материаллар кенг ёритилаяпти.

Шунга қарамасдан, биологик ранг-барангликни сақлаб қолиш, Қизилқум-Нурота биосфера резерватини барпо этиш, озон қатламларини бузувчи моддалардан фойдаланишга барҳам бериш, вилоятда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг стратегияси ва ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш, атроф-муҳит ҳолати мониторингини олиб бориш соҳасида ҳали кўп иш қилишга тўғри келади. Чунки, ҳудудда жойлашган саноат корхоналари ва автотранспорт қатнови атмосферани тонналаб заҳарли чиқинди газлар билан ифлослантирмоқда. Биргина Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли корхоналарнинг ўзи 134 хил, «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамияти ҳавога 54 хил заҳарли моддаларни «узатар» экан. Атмосферага чиқариладиган зарарли воситаларнинг 30 фоизи металлургия комбинати, 21 фоизи «Навоийазот» ва «Қизилқумцемент»га тўғри келади.

**«Қизилқумцемент»нинг маҳсулот ишлаб чиқариши кейинги беш йилда 51 минг тоннага кўпайган. Корхонанинг ҳавони тозаловчи 99 та филтрлари таъмирланиб, иш жараёни тубдан яхшиланди.** «Қизилқумфосфорит» мажмуасида 365 минг кубометр заҳарли газларни ушлайдиган янги ускуна ўрнатилди. Учқудуқ ва Зарафшон шаҳарларида фойдаланилган 12 миллион кубометрлик оқава сувларни тозалаш йўлга қўйилди. Навоий шаҳрида атмосферага ташланган газларнинг миқдорини аниқлаш учун 3 та стационар пост ташкил этилган.

Атроф-муҳит муҳофазаси ҳамиша долзарб вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари томонидан 4200 та ноқонуний ҳолат аниқланиб, 735 нафар юридик ва жисмоний шахсга жарима солинган. 86 та қурилма ва станоклар, цехлар фаолияти тўхтатилган. Саноат корхоналари томонидан ҳавога 638 минг тонна ҳар хил заҳарли газлар, чиқиндилар чиқарилган.

Бироқ, атмосфера ҳавоси мусаффолигини таъминлашни фақат жарима солиш йўли билан олиб бориш кутилган самарани бермайди. Шунинг учун табиат муҳофазаси устидан давлат ва жамоат назоратини кучайтириш, саноат ва қурилишда янги замонавий технологияларни жорий этиш керак.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Республикамизда янги ўқув йилига қизғин тайёргарлик кетмоқда. Жумладан, Қамаши туманидаги Қизилтепа қишлоғида замонавий мактаб биноси бунёд этилмоқда. Уни Яккабоғдаги «Элёр» ишлаб чиқариш корхонасининг қўли гул қурувчилари бунёд этишмоқда. Ишни тез ва сифатли амалга оширишда ўз касбининг устаси Алишер Ражабовнинг (суратда) муносиб ҳиссаси бор.

**Суратда: янги мактаб биносининг умумий кўриниши.**





**Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар**

***Жондор туманидаги «Нозимбек» хусусий фирмасига сочиққа гул босиш ускунасини хориждан олиб келиш учун кредит керак эди. Бизнес режа тайёрлашга сарфланадиган маблағнинг тенг ярми «BAS»нинг Бухоро филиали орқали тўланадиган бўлди.***

## «BAS» - ТАДБИРКОР ХИЗМАТИДА

«BAS» - Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг амалий маслаҳат дастури. Мамлакатимизда тўрт йилдан буён фаолият кўрсатаётган мазкур дастур филиали Бухорода ҳам иш бошлади.

«BAS»нинг Бухородаги шохобчаси ўтган қисқа даврда тадбиркорлар ишончини қозонди. Ўнта кичик бизнес субъекти ўз бизнес режасини амалга оширишда унинг хизматидан фойдаланди. Бизнесни бошқарувнинг компьютерлашган тизими, инновация инжиниринг ишланмалари, озиқ-овқат, энергетика, тўқимачилик саноати ва меҳмонхона хизматидаги консалтинг лойиҳалари кутилган натижани берди.

Шу кунгача «BAS» дастурининг Бухородаги офиси кўмагида ишлаб чиқилган бизнес режалар доирасида тадбиркорлик субъектлари қарийб 800 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиш, замонавий технология киритиш имконига эга бўлди.

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

## ЭЪТИБОР ТУБДАН ЎЗГАРДИ

***Газетанинг шу йил 24 июн сонида «Жамоа шартномасига муносабат шуми?» сарлавҳали танқидий мақола босилган эди. Унда Хоразм троллейбус бошқармасида ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя талаб даражасида эмаслиги, меҳнаткашларни дам олдириш, соғломлаштириш қониқарсиз аҳволда эканлиги, жамоа шартномаси номигагина тузилиб, томонлар зиммасидаги мажбуриятларга аниқлик киритилмаганлиги каби камчиликлар очиб ташланганди.***

Матбуотнинг таъсирчан сўзи ўз самарасини берди. Мутасаддилар камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиладилар. Хусусан, Хоразм вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари ходимлари жойларда бўлиб, меҳнаткашларнинг фикр, таклиф-мулоҳазаларини ўргандилар. Шундан сўнг вилоят троллейбус бошқармаси касаба уюшма ташкилотининг кенгайтирилган йиғилишида «2005 йилга тузилган жамоа шартномасининг биринчи ярим йиллик якунлари тўғрисида»ги масала атрофлича, ўзаро талабчанлик вазиятида муҳокама қилинди. Камчиликларни бартараф этиш, ютуқларни мустаҳкамлаш, касаба уюшмаларининг нуфузини кучайтиришга оид таклифлар ўртага ташланди.

Урганч қурилиш материаллари заводи масъулияти чекланган жамият раҳбарияти ҳам танқиддан тўғри хулоса чиқарди. Масалан, касаба уюшма қўмитасига алоҳида хона ажратилди, маънавият ва маърифат хонаси талаб даражасида жиҳозланди. Жамоа билан 3-сон поликлиника ўртасида шартнома тузилиб, барча ходимлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Касаллиги аниқланган ишчи-ходимларга амалий ёрдам кўрсатилди, баъзилари шифохоналарга юборилди. Шунингдек, корхонада илгари ишлаб кетган ва касб касаллиги бўйича ногиронлик нафақасига чиққан Б.Вапаева ва Р.Жуманиёзовларнинг товон пулларини ололмаётганлиги хусусидаги масала Урганч шаҳар фуқаролик судида кўрилмоқда.

**М.ЮСУПОВ,**
**Хоразм вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси**

## ЕР ҲАҚИҚИЙ ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

***Таҳририятга Қоракўл тумани Янгибозор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи И.Авлиёқуловдан арзнома келиб тушганди. Муаллиф унинг ихтиёридаги ер майдони тортиб олинганлигидан норозилик билдирган. Текшириш натижалари бағоят ҳайратланарли бўлиб чиқди.***

Ушбу арзнома юзасидан олинган хатда маълум қилинишича, «Янгибозор» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган «Шаҳзод-Шохижаҳон» фермер хўжалигининг 538-540 контуридан фуқаро И.Авлиёқулов ва бошқа шахслар томонидан қонун талабларига зид равишда 3 гектар ерни эгаллаб олиш ҳолати содир этилган. Туман ҳокимлиги ҳамда туман ер ресурслари хизмати томонидан улар бир неча бор огоҳлантирилишига қарамасдан, ерни ўз эгасига қайтармасдан келишган.

Шундан сўнг «Шаҳзод-Шохижаҳон» фермер хўжалиги раҳбари ўзига тегишли ерни қайтариб олиш мақсадида Қоракўл туман фуқаролик судига даъво аризаси киритган. Суд даъво аризасини қаноатлантирди.

**Н.ҲАЙДАРОВ,**
**Бухоро вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари, котибият мудири**

## ХОРИЖ ХАБАРЛАРИ

**Бағдодда Ироқ миллий партияси етакчиларидан бири Ҳайдар ад-Дужайлийга суиқасд қилинди. Маълумотларга кўра, бир гуруҳ қуролланган жангарилар унинг уйига бостириб кирган ва отиб ташлаган.**

**Ўтган ой партия раҳбари Аҳмад Чалабийга ҳам суиқасд уюштирилган, бахтли тасодиф туфайли у омон қолганди.**

* * *

*Исроил ҳарбийлари Фаластинда фаолият юритаётган «Ислом жиҳоди» айирмачи гуруҳи етакчиларидан бирини ҳибсга олди. Хабарларга қараганда, 28 ёшли Қодир Аднан исроиллик ҳарбийларнинг Рамалидаги тунги операцияси чоғида қўлга туширилган.*

*Бу Қ.Аднаннинг илк бор ҳибсга олиниши эмас. У бир йил мобайнида Исроил қамоқхонасида сақланиб, жорий йил апрелда озодликка чиқарилганди.*

* * *

**Хитойда сув тошқини рўй берди. Тинимсиз ёққан ёмғир туфайли Аньхой вилояти сув остида қолди. Синьхуа хабарига қараганда, табиий офатдан 300 минг киши жабрланган. Қурбонлар ҳақида маълумот йўқ.**

**Мутахассисларнинг таъкидлашича, 172 минг гектар ерни сув босган. Айни пайтда табиий офат рўй берган ҳудудларда ҳарбийлар қутқарув ишларини олиб бормоқда. Жабрланганларга шошилинч ёрдам кўрсатилаётир.**

* * *

*Суринамда президент сайлови ўтказилди. Унда амалдаги президент Роналд Венетиан ғалаба қозонди.*

*Хабарларга қараганда, Халқ кенгаши депутатларидан 560 нафари Р.Венетиан учун овоз берган. Унинг асосий рақиби - Миллий демократик партиядан номзоди кўрсатилган Дезире Боутерсени эса 315 депутат қўллаб-қувватлаган.*

**(ЎзА)**

# ЁШ БОЛАЛИ ОНАЛАРГА

## ҳақ тўланадиган қўшимча таътил

***Андижон шаҳридаги «Ривож» хусусий фирмаси раҳбари Мамасоли ака корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Ирина Акбарова билан кенгашиб ишлашга одатланган. Директорнинг касабақўм раиси билан бу галги суҳбати ходимларнинг меҳнат ва маиший шароити, яъни иш жойларининг ёритилиши, цехлардаги ҳаво тозалаш ускуналарининг ишлаши, ошхоналардаги аҳвол ҳақида кечди. Ирина ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўйича юзага келган муаммоларни ўртага ташлади. Раисанинг хотин-қизларнинг меҳнат шароитларини яхшиланишдаги талабчанлиги зое кетмади.***

Эмизикли оналарга қисқартирилган иш куни жорий этилиши, боз устига, ҳақ тўланадиган қўшимча меҳнат таътили берилиши хотин-қизларнинг бошини осмонга етказди. Қолаверса, корхона айланма маблағи ҳисобидан ишловчи хотин-қизларни бепул тиббий кўрикдан ўтказиш, тиббиёт хонасида дори-дармон заҳирасини кўпайтириш, байрам кунларида илғорларни рағбатлантириш ҳам ишхонада хотин-қизларнинг мавқеи, нуфузи баландлигини кўрсатиб да меҳнат хавфсизлиги юзасидан суҳбат ўтказиш, иш жойларини аттестациялаш бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда катта рол ўйнаяпти.

Ходимларнинг эртанги кундан кўнгиллари тўқ. Дастгоҳларга эҳтиёт чораси сифатида махсус тўсиқлар ўрнатилган. Мавжуд 4 та цех ҳаво босимини мўътадиллаштириб турадиган кондиционерлар билан таъминланган. Ишхонада бундай маиший қулайликлар кўп. Ходимлар тушликнинг ғамини қилмайдилар. Шинам ошхонада ишэришилди. Айниқса, хорижлик сармоядорлар билан ҳамкорлик айни муддао бўлди. Цехларга серунум тикув-бичув машиналари ўрнатилди. Бунинг натижасида маҳсулот тури сезиларли равишда кўпайди. 30 та янги иш ўрни яратилди. Бугунги кунда «Ривож» кўп тармоқли фирмасида асосан катталар ва болалар кийим-кечаклари тайёрланиб, бозорга чиқариляпти. Жорий йилдан бошлаб катталар пальтолари, курткалар, костюмлар тикиш йўлга қўйилди.

Бежирим, арзон, кўркам маҳсулот омборда қолиб кетмайди, харидорнинг ўзи уни излаб топади. Қўқонлик, наманганлик, жиззахлик ҳамкорлар корхонадан қадамларини узмаётирлар. «Ривож» тамғаси босилган катталар ва болалар кийим-кечаклари ҳатто Тошкент бозорларида ҳам қўлмақўл. Турдихон Бобобекова, Нисо Қирғизова, Зиёдахон Усмонова каби чеварлар

### *Касаба уюшмалари бозор шароитида*

турибди.

Касаба уюшмасининг корхонада ўрни борлигини меҳнат муносабатларини жамоа шартномаси орқали назорат қилинишида ҳам яққол кўриш мумкин. Шартномада меҳнат можароларини ижобий ҳал қилиш, ходимларнинг хавф-хатарсиз ишлашини таъминлаш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, касб касалликларидан ҳимоя қилишга қаратилган махсус бандлар киритилган. Эътиборлиси, унда меҳнат муҳофазаси бўйича иш берувчи ҳамда касабақўмнинг мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган. Қабул қилинаётган қарорлар қанчалик мазмундор бўлмасин, амалиётда қўлланилмаса, хўжакўрсинга иш юритилган бўлади. Иш берувчи ва касабақўмнинг ижро интизомида якдил бўлишлари бежиз эмас. Корхонада техника хавфсизлиги, иш жойларини аттестациядан ўтказиш бўйича ойликлар, кўрик-танловлар, давра суҳбатлари ташкил қилиш яхши йўлга қўйилган. Ҳар чоракчиларга ҳар куни бепул таомлар берилади. Ёз кунларида душхона чеварларнинг жонига оро киряпти. Юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан безатилган дам олиш хоналари меҳнатчиларга мунтазир.

Кўрганингиздек, касабақўм иш берувчи билан ижтимоий шерикчилик муносабатларида инсон омилига урғу берган ҳолда фаолият юритмоқда. Ходимларнинг ишлаб чиқариш ва маиший шароитини яхшилаш учун маъмурият томонидан сарфланаётган маблағларни сўмга чақсак, ҳар бир ишловчининг ижтимоий ҳимоясига йилига ўртача 50-60 минг сўмдан харажат қилинаётганлиги ойдинлашади. Узлуксиз иш ҳақи ходимни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашнинг кафолати. Дарҳақиқат, маош ойма-ой қўлга тегиб турса, рўзғор бут бўлади. 1991 йилда корхона ижарага олинган ташландиқ бинода алмисоқдан қолган дастгоҳлар билан иш бошлаганди. Бор-йўғи 4 нафар ишчи меҳнат қиларди. Тадбиркорлик жамоага катта наф келтирди. Банкдан имтиёзли кредит ажратилишиганинг қўлидан чиқаётган либослар бежиримлиги, замонавий дизайни, сифатлилиги билан ажралиб туради.

– Тадбиркорларнинг дасти узаядиган замонда яшаётганлигимиздан қувончдаман, – дейди корхона саркори Мамасоли Маллаев. – Ишбилармонларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат судлар орқали белгиланиши кичик ва ўрта бизнесни ижтимоий ҳимоялашда янги босқич бўлди. Эътиборлиси, ягона солиқ тўловларига ўтилиши даромадларимизни мустақил тасарруф қилиш имконини берганидан беҳад мамнунмиз.

Масалан, ярим йилликда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баравар кўп – 6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, солиқдан ортган даромад ўзимизда қолмоқда. Шунинг ҳисобига ойлик маош кўпайиши, ишлаб чиқаришни кенгайтириш эвазига қўшимча иш ўринлари яратиш ниятидамиз.

**С.РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**




### *Энг яхши фермерларимиз*

***Арнасой туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги раҳбари Рустам Ўтабоев Жиззах чўлини ўзлаштириш даврида келиб, шу ерда униб-ўсган, иззат-обрў топган тажрибали деҳқонлардан. Ҳамкасбларининг таърифлашича техниканинг аҳволини овозидан билади. Энг муҳими, чўлнинг қийин шароитида деҳқончилик қилишни миридан-сиригача эгаллаган. Фермерлик ҳаракати бошланганда ҳам биринчилардан бўлиб енг шимарди. Мана, ўн йилдирки, у фермер.***

# ҚАНИЙДИ БАРЧА ШУНДАЙ ИШЛАСА

Бултур пахтадан ўттиз, ғалладан 42 центнердан ҳосил олган фермер йилни 36 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Бу йил эса ғалланинг ўзидан қирқ миллион сўм даромад килди. Давлатга 260 тонна дон сотди.

Айни кунларда хўжалик аъзолари 77 гектар майдонда ғўза парваришламоқда. Рустам фермернинг ғўзалари фақат бўйи билан эмас, ҳосилдорлиги билан ҳам ажралиб туради.

- Рустам аканинг муваффақияти - ерга меҳрида, - дейди Бобо Файзиев номидаги агрохизмат маркази раҳбари Ўроқбой Ғоипов. -Уни излаган одам даладан топади. Ўзининг айтишича, «пахта билан кўришиб, сўрашиб турмаса касал бўлиб қолади». Рустам аканинг билими ва тажрибасига арнасойлик деҳқонлар ҳам тан беришган, кўпчилик ундан маслаҳат сўраб туради.

Рустам Ўтабоев туман ҳокимлиги қошидаги қишлоқ хўжалик кенгашининг аъзоси сифатида бошқа фермерлар пахтасининг аҳволини яхши билади. У кишининг айтишича, бу йил вилоятда ғўза ривожи ҳам, ҳосилдорлиги ҳам аввалги барча йилларга қараганда яхши. Буни у вилоятда пахтачилик тўлиқ фермерлаштирилиб, ер эгасини топганлигидан, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бераётган яхши самарасидан деб билади.

**(ЎзА)**

# ҲАММАСИ БИР ТАШАББУСДАН БОШЛАНГАНДИ

Мустақиллик йилларида Каттақўрғон шаҳрининг қиёфаси ўзгариб, гўзаллашди. Жумладан, яқинда тиббиёт коллежи янги бинога эга бўлди. Бир нечта мактаблар, ижтимоий иншоотлар қад ростлаяпти. Уларнинг ичида энг йириги ва муҳими шаҳар болалар спорт мажмуидир.

Шу вақтгача шаҳарда бундай замонавий спорт иншооти йўқ эди. Болалар спортини ривожлантириш бўйича Президентимиз ташаббуси билан бошланган умумхалқ ҳаракати туфайли Каттақўрғонда ҳам амалий ишларга киришилди. Мазкур спорт комплекси гимнастика, бокс, оғир атлетика, волейбол ва баскетбол мусобақаларига мўлжалланган 4 та ёпиқ залдан ҳамда очиқ спорт майдончаси, теннис корти ва сузиш ҳавзасидан иборат бўлади. Қурилиши май ойида бошланган ушбу иншоотни «Монолит» қурилиш-монтаж корхонаси Мустақиллик байрами арафасига қадар фойдаланишга топширишни мўлжаллаган.

Ўрни келганда, бир эътиборли ҳолатни айтиш керак. Банкротликка учраган собиқ ПМК-9 негизида «Монолит» корхонаси ташкил этилди. Қурилиш муҳандиси Собир Алимов ана шундай таваккалчиликка журъат этди. Унинг пухта ишлаб чиқилган бизнес режаси тендерда ғолиб, деб топилди. Ва корхонага мазкур йирик иншоот қурилиши ишониб топширилди. Муҳими шундаки, тадбиркор С.Алимов қурилиш ишлари таннархини 10 миллион сўмга арзонлаштириш мумкинлигини асослаб берди ва буни амалда исботламоқда. Бунинг сабаби қурилиш ашёлари, жумладан оҳак, эшик ва дераза ромлари шу ернинг ўзида тайёрланаётганидир. Ҳозир иншоотда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Пайвандчи Т.Жўраев, дурадгор Д.Холиқов, сувоқчи Н.Тошевлар барча ишларни сифатли бажаришмоқда.

– Ҳукуматимиз тадбиркорларга тобора кенгроқ имконият бермоқда, – дейди С.Алимов. – Бунинг замирида иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсади мужассам. Давлатимиз сиёсатининг самарасини корхонамиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Банкрот бўлган корхонани қайта тиклашимизда Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги, «Турон банк» кафиллиги ва амалий ёрдами жуда муҳим бўлди. Ишлар юришиб кетди, халққа нафи тегадиган ва бир неча ўн йиллар хизмат қиладиган иншоот тикланаяпти. Ҳозир қурилишда элликка яқин одам банд. Ишларни ўз вақтида ва сифатли уддалай олсак, олдиндан қолган қарзларни узиб, 5 миллион сўмдан зиёдроқ соф фойда оламиз. Ҳозиргача 2 та яроқсиз техникани тикладик. Яна 2 тасини тиклашни мўлжаллаяпмиз.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



Шу кунларда Андижон электр тармоқлари корхонаси ишчи-хизматчилари зўр кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқдалар. Улар таъминотда узилиш бўлмаслиги учун мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб келишмоқда. Мақсадга эришишда тажрибали ва ташаббускор мутахассисларнинг роли катта бўлаяпти. Эътиборлиси шуки, эндиликда иноқ жамоа сафига кўпгина ёшлар қўшилди.

**Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар.**
**И.ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**



***Ўшанда Шаҳрисабз туманидаги 551-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланмаси жар ёқасига келиб қолганди. Натижада ташкилот иқтисоди қашшоқлашиб, қурувчиларни ишдан кўнгли совий бошлади.***

Ҳусниддин Пирназаров жамият раиси бўлиб ишга келгандан сўнг жамоа малакали кадрлар билан мустаҳкамланди. Барча техникалар сифатли таъмирланиб, ишга туширилди. Туман, вилоят миқёсидаги ташкилот ва корхоналар билан шартномалар тузилди.

## КАЙФИЯТ КЎП НАРСАНИ ҲАЛ ЭТАДИ

Олиб борилган тадбиркорлик ишлари ўз самарасини берди. Оқибатда қурувчилар сони 360 нафарга етказилди. Ишлаб топилган маблағ қурилиш материаллари ҳамда ишчиларнинг иш ҳақига сарфланди. Оқибатда қурувчилар фаолияти кун сайин яхшиланиб, мўлжалдаги режалар бажарила бошланди. Ўтган йили қурувчилар бош пудрат бўйича 720 миллион сўмлик иш бажаришга эришдилар. Улар ўз кучлари билан 550 миллион сўмлик ишларни амалга оширишди. Шу маблағлар ҳисобига Мироқи спорт педколлежи қурилиши ниҳоясига етди. Қарши шаҳридаги академик лицей, Нуристон посёлкасидаги мактаб, 18 миллион сўмлик коллеж биноси қурилиши фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Мироқидаги спорт коллежининг 600 ўринли ётоқхонаси ишга туширилди.

Ушбу катта бунёдкорлик ишларини амалга оширишда Бахтиёр Эшбобоев, Валерий Комолов, Шавкат Холиқулов каби иш юритувчиларнинг ҳиссалари катта бўлди. Ҳусан Худойбердиев, Бухор Бердиев, Акмал Ҳаимов, Мавлон Фармонов, Элмурод Самадов, Обид Худойбердиев, Жасур Жуманов сингари қурувчилар эса ҳозирги кунда самарали меҳнат қилишмоқда. Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Хусусан, ишчиларга бепул иссиқ овқат берилмоқда.

**Х.ТЎРАЕВ**

## МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ

Андижон вилояти Избоскан туманининг марказий шифохонасида муқобил электр энергияси таъминоти тизими фойдаланишга топширилди. Бу тизим даволаш муассасасига электр энергияси ўчиб қолган ва тармоқда узилишлар рўй берган пайтда ҳам ишлаш имконини беради.

Муқобил тизимга операция ва туғруқ заллари, қабул бўлими, шошилинч ёрдам кўрсатиш мажмуи ва бошқа бўлимлар уланган. Унинг қиймати 2 миллион 313 минг сўмни ташкил этади. Авария ҳолатларида энергия билан таъминлайдиган генераторлар Япония, Германия ва техник жиҳатдан ривожланган бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган. Бу вилоятда шундай энергия таъминоти йўлга қўйилган ягона тиббиёт муассасаси ҳисобланади. Тез орада вилоятдаги барча шаҳар ва туман шифохоналари ҳам шундай тизимларга эга бўлади.

## ПАХТА ОЧИЛА БОШЛАДИ

Фурқат туманидаги «Келажак учун» фермер хўжалиги далаларида пахта қийғос очила бошлади. Хўжаликнинг 12 гектар майдонида эртапишар «С-6524» навли ғўза парваришланмоқда.

- Ерни алдаб бўлмайди. Унга меҳр бериб ишласангиз, кўзлаган ҳосилни оласиз. Агротехника қоидаларига қатъий амал қилиб кам бўлганимиз йўқ, - дейди фермер хўжалиги раҳбари Ҳасанбой Эргашев. - Айниқса ғўза зараркунандаларига қарши курашга жиддий эътибор қаратдик. Бу ўз самарасини берди.

### *Ўзимизнинг маҳсулот!*

***Қашқадарё вилояти тадбиркорлари ички бозорни истеъмол моллари билан тўлдиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Айниқса, Қамаши туманидаги «Микрон-М» масъулияти чекланган жамияти жамоасининг бу борада олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқ.***

# ҚАМАШИ СПАГЕТТИСИ

Инсон доимо янгиликка интилиб яшайди. Мамлакатимизда тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг мустаҳкам тизими яратилганлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётига кенг йўл очилганлиги қамашилик ака-ука Чўлиевлар ташаббусига қанот бағишлади. Улар воҳада биринчилардан бўлиб, қоракўл терини қайта ишлаш ва ундан экспортбоп кийим-кечак ишлаб чиқаришга киришган эдилар. Ҳозирги пайтда туман марказида Чўлиевларга қарашли кўплаб савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ишлаб турибди.

Бундан икки йил муқаддам маҳаллий ишбилармонлар Эрондан замонавий технологик линияларни олиб келиб, жаҳон андозаларига жавоб берадиган макарон ишлаб чиқара бошлаган эдилар. Айни пайтда бир кеча кундузда 3 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти ва тайёр макаронлар 40 хил усулда чиройли қилиб қадоқланаяпти.

Корхонанинг спагетти ишлаб чиқариш цехида бўлдик. Раҳбар Олимжон Чўлиев амалга оширилаётган ишлардан мамнун. Цех устаси Дилбар Мансурова, қадоқловчи Марҳабо Маллаева, илғор ишчилар Умида Жўраева, Севара Ҳасанова, Дилбар Мамашоеваларнинг қўли-қўлига тегмайди. Замонавий ускуналар тўла қувват билан ишламоқда.

– Тадбиркорларнинг омади келди, - дейди Олимжон Чўлиев суҳбат жараёнида. – Истеъмол бозорида маҳсулотларимизга талаб катта. Савдо ташкилотлари билан шартномалар тузилган. Даромадимиз кўпаймоқда.

Тайёр спагетти маҳсулотлари 450 грамдан мўъжаз картон қутилар, 750 ва 900 грамли полиэтилен пакетларда савдога чиқарилаяпти. Кўп миқдорда маҳсулот харид қиладиган мижозлар макаронни 20 килограмдан қадоқланган қутилар ва 35 килограмлик қоғоз қопларда олиб кетишади. Маҳсулот сифати тўлиқ кафолатланган.

Жамиятда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни вилоятнинг ҳамма туманларидаги озиқ-овқат дўконлари, Қарши, Тошкент, Самарқанд шаҳарларида жойлашган супермаркетлар пештахталарида учратиш мумкин. Уни бир марта тановвул қилган харидор яна харид қилишни хоҳлаб қолади. Бунинг боиси маҳсулотнинг юқори сифати ва хуштаъмлигида.

Корхонанинг иқтисодий салоҳияти ошиб бормоқда. Йил охиригача камида 200 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Қамашидаги кичик корхона нафақат аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, балки «Бандлик» дастурини амалга оширишга ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Спагетти ишлаб чиқариш цехи фаолиятини бошлаши билан маҳаллий ёшлардан 59 нафари доимий иш жойи ва барқарор даромад манбаига эга бўлди.

Эл-юрт дастурхонини тўкин қилиш, мамлакат озиқ-овқат саноатини ривожлантириш йўлида фидойилик кўрсатаётган аҳил ва иноқ жамоа хизмат кўрсатиш йўналишларини кенгайтириб бормоқда.

Корхонада ходимларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилаяпти. Ойлик маошдан ташқари қўшимча мукофотлар таъсис этилган. Ишчиларга озиқ-овқат маҳсулотлари бериб борилади. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, етим-есирларга моддий ёрдам кўрсатилади.

**Д.КАМОЛОВ,**
**Қ.ШАРОБИДДИНОВ,**
**«Ишонч» мухбирлари**

## ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ

Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юзасидан республика «Ғаллабанк» Андижон вилоят филиалида талайгина ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида икки мингтага яқин пластик карточка мижозларга тарқатилди. Кўплаб фуқаролар ўз иш ҳақларини мана шу усул билан олиш истагини билдиришяпти. Эътиборлиси шундаки, мижозларнинг аксариятини дон маҳсулотлари корхонасида ишловчилар ташкил этади.

Шаҳарнинг аҳоли энг гавжум жойлари ва кўплаб савдо дўконларига терминаллар ўрнатилган. Яқинда филиал томонидан яна 2 та терминал олиб келиниб, мижозлар учун энг қулай жойга ўрнатилди.

Банк филиали томонидан ўтган йилдан бери фермер ва тадбиркорларга имтиёзли кредитлар бериб келинмоқда. Бу деҳқонларнинг ғалладан мўл ҳосил етиштиришларида жуда қўл келаётир. Хусусан, 2005 йил ҳосилига вилоят бўйича 70 миллион 463 минг сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди. Кредитлар иш ҳақи, техника ва ўғит каби зарур эҳтиёжларга сарфланганлиги туфайли белгиланган режалар ортиғи билан бажарилди.

**О.ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# «СУҒДИЁНА»

## кончиларнинг севимли маскани

### *Болалар спорти*

Президентимиз ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши мамлакатимизда спортни оммалаштириш учун кенг йўл очиб берди. Навоий вилоятида ёшларни жисмоний соғлом, маънавий етук қилиб тарбиялаш соҳасида бирмунча ишлар амалга ошириляпти.

Сиҳат-саломатлик йилида жамғарма ҳисобидан 3 та болалар соғломлаштириш мажмуаси қуриш, мактаблар ва маҳаллаларда спорт майдончалари бунёд этиш ва мавжудларини таъмирлаш кўзда тутилган. Кармана туманидаги «Бешкент» маҳалласида барпо этилаётган болалар спорт мажмуаси қурилишида ҳозиргача 120 миллион сўмлик иш бажарилди. Навбаҳор ва Конимех туманларида ҳам спорт иншоотлари қуришга киришилди. Навбаҳор туманидаги 4-, Конимехдаги 10-, Хатирчи туманидаги 50- ва Нуротадаги 4-мактабларда спорт заллари қурилиши давом этмоқда. Конимехда барпо этилган мажмуага 12 миллион сўмлик спорт жиҳозлари олиб берилди. Навоийлик спортчилар мамлакат ва халқаро мусобақаларда иштирок этиб, ғолибликни эгаллаб келишмоқда. Ўтган 6 ой ичида улар 118 та медални қўлга киритишди.

Эришилган муваффақиятларда оғир атлетикачилар, сузувчилар, гимнастикачилар, боксчилар, эркин ва юнон-рум курашчиларининг ҳиссаси салмоқли бўлди. Ҳар йили Москва шаҳрида ўтадиган «Бутун дунё ёшлари гимнастикаси» турнирида бултур навоийлик Гўзал Мухторова совринли ўринни эгаллади. Ёш гимнастикачи ўтган йили 6 та халқаро мусобақаларда иштирок этиб, эпчил ва чаққонлиги билан мухлисларни ўзига ром этди.

– Спорт танга сиҳатлик, руҳга кўтаринкилик бахш этади, Ватанга шон-шуҳрат олиб келади, – дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Э.Раҳмонов. – Жорий йилнинг ўтган даврида 2 нафар спорт устаси, 15 нафар усталикка номзод, 21 нафар биринчи тоифали спортчилар тайёрланди.

Оғир атлетика мураббийси А.Тоғаев, бадиий гимнастика бўйича спорт устаси, Осиё чемпиони У.Трофимова, бокс бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони А.Улуғов, бадиий гимнастика соҳасида халқаро тоифадаги спорт устаси А.Бересатецкая, устоз мураббийлар Н.Назаров, Р.Ҳайитов, А.Петров, Ж.Раҳматова, сузиш соҳасида олимпиада ўйинлари иштирокчиси О.Пухнатий, П.Васильев, довруғли полвонлар З.Расулов, Ш.Шукуровларнинг спортни ривожлантиришдаги хизматлари беқиёс.

Навоий кон-металлургия комбинати тасарруфидаги «Суғдиёна» мажмуаси ёшлар бўш вақтларини мароқли ўтказадиган ҳақиқий масканга айлантирилган. Айниқса, «Олтин сув» сузиш ҳавзаси йигит-қизлар билан ҳамиша гавжум. Бу ерда машқ қилаётган Ирина Шлимова халқаро тоифадаги спорт устаси. 16 ёшли Иброҳим Назаров ёшлар ўртасида 400 метрга сузиш бўйича Москвада ўтказилган халқаро мусобақа ғолиби. Люксембург шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда жаҳоннинг ўн бир мамлакатидан 1300 нафар спортчи қатнашди. Улар орасида «Олтин сув» мажмуасининг сузувчилари Петр Ромашкин, Иля Шароварин кумуш, Иброҳим Назаров бронза медалини олишга эришдилар. Бундан ташқари, Навоий шаҳридаги «Дельфин» сузиш ҳавзаси машғулотларида қатнашаётган спортчилар орасидан ўнлаб мамлакат ва халқаро мусобақа ғолиблари етишиб чиқди.

**Н.НИШОНОВ**

*Сенинг фарзандларинг, ҳур Ўзбекистон!*

***Истиқлол йилларида тубдан янгиланган ва замон талабларига тўла жавоб берадиган Жиззах политехника институтига ҳам абитуриентлар оқими ҳар йилгидан анча катта бўлди. Эҳтимол, бунга сўнгги икки-уч йил ичида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари сабаб бўлгандир. Институтнинг имкониятлари ҳар томонлама кенгаётганини 14 таълим йўналишида бакалавр ва 6 мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланаётгани билан ҳам изоҳлаш мумкин. Мазкур таълим даргоҳида талабаларда фанларга нисбатан ижодий ёндашишни шакллантириш, мустақил ишлаш ва фикрлашлари, ўз билимларини мунтазам ошириб боришлари учун адабиётлардан кенг фойдаланишлари учун зарур барча шароитлар яратилган.***

# ИНСТИТУТГА ХУШХАБАР КЕЛДИ

Маълумки, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурида замонавий электрон дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар яратишга катта эътибор берилган. Шунинг учун ҳам 79 минг 950 та китоб жамғармасига эга бўлган институт кутубхонасида 3 минг 300 дан ортиқ маъруза матнларининг электрон варианти яратилган. Бундан



ташқари, интернет орқали олинган 3 минг нусха маъруза матнлари, шу билан бирга сўнгги уч йилда институт профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган 300 дан зиёд ўқув қўлланмалари ҳамда нуфузли олий ўқув юртларидан келтирилган 3 минг 600 дан ортиқ электрон дарслик ва қўлланмалар ҳам талабалар ихтиёрида. Шундай улкан имкониятларга эга бўлган кутубхонани янада бойитиш мақсадида ўтган ўқув йилида зарур адабиётлар олиш учун 1 миллион 805 минг сўм маблағ ажратилди.

Институтда «Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш» маркази ташкил этилган. Марказ томонидан институтнинг локал компьютер тармоғи ташкил этилган бўлиб, у интернет тизимига уланган. Бу илмга чанқоқ ёшларга интернетнинг чексиз уммонидан ўзлари истаган барча маълумотларни олиш имкониятини яратди.

## БИТИРУВЧИГА ИШ ТАЙИН

Жиззах политехника институтининг маркетинг хизматлари бўлимида бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиққан ҳолда корхона-ташкилотларнинг олий маълумотли мутахассис кадрларга бўлган талаблари ўрганилиб, 2010 йилгача бўлган истиқболли режа ишлаб чиқилган.

Бўлим талабаларнинг лаборатория машғулотлари ҳамда битирув олди амалиётларини бевосита ишлаб чиқариш билан боғланган ҳолда олиб бораётир. Жиззах шаҳридаги кислотали аккумуляторлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган «ЎзЭКСАЙД» қўшма корхонаси, «Сувоқава» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва ўрта махсус касб-ҳунар таълим бошқармаси шулар жумласидандир. Бунда корхоналар ўзлари учун зарур бўлган мутахассисни талаба амалиёт ўтаётган пайтдаёқ танлайдилар. Бошқачасига айтганда, амалиёт давомида ўзининг юксак қобилияти билан корхонадагиларни жалб эта олган ёшлар ўқишни битирадию, тўғри шу ерга келаверади.

Бундан ташқари, институтни касбий таълим йўналишлари бўйича битираётган талабаларни ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Чунки бу йўналишдаги битирувчилар замонавий академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ишлашлари зарур.

## ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР – ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

Таълимни ислоҳ қилишнинг ўзига хос жиҳатларини амалга оширишда, ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда тизимга хорижий сармояларни олиб келиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай улкан вазифалар халқаро алоқалар бўлими зиммасига катта масъулият юклайди.

Ҳозирда турли фондлар ва жамғармаларнинг юртимиздаги ваколатхоналари билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қийинчиликлар мавжудлигига қарамай, дунёнинг етакчи мамлакатлари, жумладан Европа давлатлари ва Россия Федерациясидаги олий ўқув юртлари ҳамда коллежлар билан илмий алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётир. Жумладан, ўтган йили институтнинг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари Россиянинг Москва ҳамда Санкт-Петербург шаҳарларида малака ошириш ва тажриба алмашиш дастурларида иштирок этишди.

Институт кутубхонаси локал тармоғи оператори Ойбек Рўзматов «Истеъдод» фонди ғолиби бўлиб, Малайзиянинг Маро университетида малака ошириб қайтди. Яқинда Япониянинг нуфузли Саитама университети билан ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида институт ректори И.Содиқов мазкур таълим даргоҳида бўлди. Бунда олий ўқув юртлари ўртасида доимий илмий алоқаларни йўлга қўйишга ва қатор лойиҳаларни баҳамжиҳатликда амалга оширишга келишиб олинди. Шу билан бирга, Япония ҳукуматининг «Ривожланишга расмий ёрдам» дастури доирасида техник ёрдамни олиш учун лойиҳа ҳужжатлари тайёрлаш билан бирга турли грант ҳамда лойиҳаларни тайёрлаётган талабалар, профессор-ўқитувчиларга зарур ёрдамлар кўрсатилмоқда.

- Профессор ўқитувчилар ва қатор иқтидорли талабаларимизнинг халқаро алоқалар соҳасидаги барча ҳаракатлари-ю, ташаббуслари кенг қанот ёзишига етарлича кўмак беряпмиз, - дейди халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Ҳулкар Мустафоқулова. - Қатор халқаро анжуман, семинар ва машғулотларда иштирок этиб, тажриба орттиряпмиз.

Яқинда институтга яна бир хушхабар келди. «Истеъдод» жамғармасининг чет эл олий ўқув юртлари ва илмий марказларида малака ошириш учун эълон қилинган танловда институт профессор-ўқитувчиларидан икки нафари ғолиб деб топилибди.

Жиззах политехника институтида эртамиз эгаларининг янада етук бўлишлари йўлида қилиниши мўлжалланган ишлар кўлами кенг ва буларнинг барчаси эзгуликка хизмат қилажак.

**Н.ЮСУПОВ**
**«Ишонч» мухбири**

*Футбол*

## МАВСУМ БОШИДАНОҚ МАҒЛУБИЯТ

Европа чемпионлар лигаси баҳсларининг саралаш босқичида Швейцариянинг «Тун» жамоасига қарши тўп сурган Киевнинг «Динамо» жамоаси шармандали мағлубиятга учради. Ўз майдонида 2:2 ҳисобида дуранг ўйнаган Леонид Буряк шогирдлари сафарда 0:1 ҳисобида имкониятни бой берди.

Шундай қилиб, сўнгги тўққиз йил мобайнида ушбу турнирда мунтазам қатнашиб келган жамоа бу мавсум дам оладиган бўлди. Энди «Тун» жамоаси навбатдаги ўйинда Швециянинг «Мальмё» жамоасига қарши тўп суради.

## РОБИНЬО КЕЛДИ, ОУЭН КЕТАДИ



Юлдузлар жамоаси «Реал» таркибида тўп сураётган машҳур ҳужумчи Майкл Оуэн ўз мамлакатига қайтиш истагини билдирган. Гарчанд, мавсум давомида дарвозаларни 16 марта забт этган бўлсада, футболчи янги мавсумда жамоанинг асосий таркибидан ўрин олиши қийин кечишини тушуниб етган кўринади. Чунки, жамоа ўз ҳужум чизиғига ёш иқтидор эгаларини жалб этмоқда. Албатта Раул, Рональдо, Зидан, Фигу, Бекхэм каби юлдузлар турганда таркибдан ўрин олиш футболчидан катта меҳнат талаб этади.

Яқинда мадридликлар ўз сафларига яна бир футболчини қўшиб олишди. Бразилиялик вундеркинд Робиньо энди «Реал» шарафини ҳимоя қилади. Анча муддат давом этган музокаралардан сўнг «Сантос» ва «Реал» клублари ўзаро келишувга эришдилар. Унга кўра Бразилия терма жамоасининг 21 ёшли аъзоси 5 йил давомида Мадрид жамоаси либосида майдонга тушади.

Майкл Оуэн эса жамоа билан хайрлашиш истагида.

Ҳужумчини сотиб олувчилар орасида «Манчестер Юнайтед» катта имкониятга эга. Клуб унинг учун 11 миллион фунт стерлинг миқдоридаги пулнинг баҳридан ўтишга тайёр.

*Спорт оламида*

*Шоҳмот*

## ЧЕМПИОНАТ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Швециянинг Гётеборг шаҳрида жамоалар ўртасида шоҳмот бўйича XV Европа чемпионати баҳслари давом этмоқда.

Чемпионатда Кўҳна қитъанинг 38 мамлакат шоҳмотчилари – 40 та эркаклар ва 27 та аёллар терма жамоалари қатнашмоқда. Эркаклар жамоалари ўртасидаги баҳсларда француз шахматчилари пешқадамлик қилмоқда. Мутахассислар томонидан энг кучли саналаётган Россия вакиллари ҳозирча тўртинчи ўринни эгаллаб турибди. Улар учинчи турнинг муҳим учрашувида французларга имкониятни бой беришди.

## НИКОЛАЙ ВАЛУЕВ КИНОДА...



Россиялик профессионал боксчи Николай Валуев нафақат спортда, балки кинода ҳам муваффақият қозониши мумкин. Сабаби салкам икки метрлик бўйи, шунга яраша гавда ва юз тузилишига эга боксчи кинода ҳар қандай «рус каллакесари» ролини қойилмақом қилиб бажариши турган гап.

Шу боисми, Н.Валуев немис кино ижодкорлари томонидан суратга олинадиган фильмда иштирок этмоқда. Ҳозирча суратга олиш жараёни жуда қийин кечмоқда. Валуев иштирокидаги атиги икки дақиқалик кўринишни лентага тушириш учун 20 соат вақт кетган. Бироқ боксчи бошида ҳаммага ҳам қийин бўлишини айтган. Яна у бу кинофильмда таниқли немис комик актёрлари ҳам суратга тушаётганини билдирган. Фақат.фильмнинг номи ва унда боксчи қандай рол ижро этаётгани ҳозирча сир тутиляпти.

*Сузиш*

## ЯНГИ ЖАҲОН РЕКОРДИ

Австралиялик сузувчи Грант Хэкетт 800 метр масофага эркин усулда сузиш бўйича янги жаҳон рекордини ўрнатди. У белгиланган масофани 7:38:65 дақиқада сузиб ўтишга муваффақ бўлди. Аввалги энг яхши натижа яна бир австралиялик спортчи Йэн Торп томонидан 2001 йили Японияда ўтказилган жаҳон чемпионатида қайд қилинган эди.

Айтиш мумкинки, Хэкетт жаҳон чемпионати беллашувларига ўзгача тайёргарлик кўрди. Сўнгги ўн кун давомида ҳар куни 6,2 километр масофага сузиш билан шуғулланди. Мусобақа бошланишидан бир кун олдин барча машғулотларга чек қўйиб, яқинлари, дўстлари даврасида бўлди, ҳордиқ чиқарди. Натижа эса, кўриб турганингиздек, чемпионатнинг олтин медали ва рекорд кўрсаткич.

## МАРИЯ ШАРАПОВА ДУНЁ ГЎЗАЛЛАРИ РЎЙХАТИДА



Россиялик истеъдодли теннисчи Мария Шарапова дунёнинг энг чиройли 50 нафар машҳур кишилари рўйхатидан ўрин эгаллади. Машҳур киноактриса Жулия Робертс эса рўйхатни бошқариб боряпти.

Ушбу рўйхатда Мария Шараповадан ташқари спорт олами вакиллари – футбол юлдузи Дэвид Бекхэм, машҳур баскетболчи Дуайн Уэйд ва америка футболининг собиқ ўйинчиси Тим Грин ҳам бор.

Эндигина 18 ёшни қаршилаган россиялик теннис юлдузи ўзининг бетакрор чиройи билан кўпчиликни мафтун этган.

**А.ЮНУСОВ тайёрлади**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг моҳияти

– ушбу Фармонга асосан энди тадбиркорлик субъектларини молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) фақатгина Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилади;

Улар томонидан текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноятлар аниқланганда, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан амалга оширилади.

Бундан келиб чиқадики, Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти энди тадбиркорлик субъектларини тўғридан тўғри мустақил равишда текшира олмайди.

ушбу Фармон тадбиркорлик субъектлари ва давлат назорати органлари ўртасида юзага келган муаммоларни бартараф этишга ва тадбиркорларнинг фаолият эркинлигини янада кенгайтиришни тартибга солувчи бир қатор янги ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олган.

**Биздан сўраган эдингиз**

Жумладан, 2005 йил 1 июлдан бошлаб янги тартиб жорий этилиб, бунга кўра тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланиши белгиланди.

Буларга фаолиятни тугатиш;

фаолиятни тўхтатиб қўйиш;

банклардаги ҳисоб-варақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш;

молиявий санкцияларни қўллаш;

ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш;

тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензиялари (рухсатномалари)ни ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш кабилар киради.

Назорат органлари раҳбари ёки мансабдор шахслар тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари, ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ноқонуний текширса, шу давлат назорат органлари раҳбарлари ва мансабдор шахслар шахсан жавоб берадилар. Ҳамда улар жиноий жавобгарликка тортилишлари ҳам мумкин.

Муқобил текширишлар фақат қўзғатилган жиноят ишлари бўйича текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарор билан ёки шундай текширишлар ўтказиш тўғрисидаги назорат органларини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарорига асосан қонунда кўзда тутилган ҳолларда ўтказилиши мумкин. Шу ерда назорат қилувчи орган тадбиркорлик субъектининг идораси ёки унинг жойлашган жойига бормайди, фақатгина давлат назорати органига чақирув қоғози орқали чақирилиши ва айнан шу муқобил текширишга тааллуқли бўлган ҳужжатларни кўриб чиқиши мумкин. Бошқа ҳар қандай тааллуқли бўлмаган ҳужжатларни кўриб чиқиш, текшириш, тафтиш қилиш ёки уларни талаб қилиш ман этилади. Агарда, муқобил текшириш давомида ҳар қандай бошқа масалалар юзасидан муқобил текширишга тааллуқли бўлмаган ҳужжатларни талаб қилиб текширилса, бундай ҳолда ўша текширувчининг жиноий жавобгарликкача масаласи ҳал қилиниши мумкин.

Давлат назорати органларининг ноқонуний текширишларнинг ўзи билан ҳамда уларнинг натижасида тадбиркорларга қўлланилган ҳуқуқий таъсир чоралар оқибатида зарар етказилса, шу зарарни ундириш айнан шу мансабдор шахс ёки шу давлат назорати органининг раҳбари зиммасига юклатилган.

Зарар суднинг қарорига кўра давлат назорати органларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобига ёки айнан шу мансабдор шахснинг ўзидан ундирилади.

Ушбу Фармонга кўра, яна бир янгилик тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги хўжалик низолари хўжалик судларидан ташқари, ҳозирги кунда жорий этиладиган ҳакамлик судлари томонидан кўриб чиқилиши ташкил қилинмоқда.

Ҳакамлар суди бу нодавлат суд бўлиб, юзага келган ўзаро низоларни ҳал қилиш учун тарафлар томонидан сайланади. Тарафлар ўз навбатида ушбу низо ишларини ҳакамлар судига беришдан олдин, ўзларига ҳакамлар судининг қарорига бўйсуниш мажбуриятини оладилар.

Ҳакамлар суди ўзи доимий равишда фаолият кўрсатиши ёки айнан бир низони ҳал қилиш учун ташкил этилиши мумкин.

Ҳар хил турдаги низоларни ушбу тартибда ҳар қилиниши ўзининг кўп асрлик тарихга эга бўлиб, унинг бошланиши илгариги даврларга тўғри келади.

Ҳакамлик муҳокамаси инсонларнинг табиати ва унинг тафаккуридан келиб чиқувчи омил бўлиб, ҳар бир инсон ҳар қандай низони ҳал қилишда холис бир шахснинг ёрдамига муҳтож бўлиб, ушбу шахс ўз навбатида жамоатда ўз ўрнига ва етук малакага эга бўлган обрў-эътиборли, адолатли, маданиятли ҳамда унинг фикрини жамоа ҳурмат билан тан оладиган шахс бўлиши зарурдир.

Тарафлар ҳакамлик судининг қарорини ихтиёрий равишда бажаришади, мабодо бу қарор ихтиёрий равишда бажарилмаса, манфаатдор тараф ҳакамлик суди қарорининг мажбурий ижроси учун бериладиган ижро варақасини сўраб ваколатли судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Ҳакамлар судининг эътиборли томонларидан бири, ҳакамлик муҳокамасининг осон кечиши, бюрократик тўсиқларнинг йўқлиги, ҳар бир низога алоҳида ёндошувлиги, низолашувчи тарафларнинг ҳамкорлиги ва ўзаро бир-бирини тушунишларидан иборат.

Шубҳасиз, ҳакамлар суди институтининг киритилиши фуқаролар ва тадбиркорлик тизимлари ўртасида кенг кўламда ярашув тадбирларини қўллаган ҳолда, юзага келган низоларни тезкорлик билан ҳал қилишда ўзининг самарасини беради.

Ушбу Фармоннинг 4-бандида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юқоридаги қонунбузилишларни олдини олиш бўйича аниқ вазифалар юклатилган, яъни тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузганликлари учун мансабдор шахсларга ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлик, яъни жазонинг муқаррарлигини таъминлаб бориш, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини сўзсиз бажарилиши устидан назоратни кучайтириш вазифаси юклатилган.

Ушбу Фармонга кўра, 2005 йил 1 июлида бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тизими такомиллашиб, бунда 2005 йил 2 ярим йиллигига мўлжалланган текширишлар сони ҳам қисқаради. Режага киритилмаган, рухсатсиз текширишлар ўтказиш ман этилади.

2005 йил 1 августдан кейин айрим фаолият турлари билан шуғулланиш тартиби қисқаради ва соддалашади, муддатлари чекланмаган ҳолда бўлиши мумкин. Муддати 6 ой ва 1 йилга бериладиган лицензиялар бўлмаслиги мумкин. Бундай муддатсиз рухсатномалар илгари берилган рухсатномаларга тадбиқ қилиниши мумкин.

Мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан бир қатор қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янги Қонунлар ишлаб чиқиш тегишли давлат идораларига топширилди.

# ПАСПОРТИМИЗ – ҒУРУРИМИЗ ТИМСОЛИ

Янгийўл тумани ИИБ Паспорт бўлинмаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимлари тўғрисида»ги қарори асосида изчил фаолият юритмоқда.

Хусусан, амалдаги йилнинг ўтган ойлари мобайнида 5598 нафар киши Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти билан таъминланди. Бундан ташқари муқаддам судланиб, жазо муддатини ўтаб қайтган 64 нафар шахсга паспортлар расмийлаштирилиб, яшаш ҳудудларига рўйхатга қўйилди.

– Ҳар биримиз асосий фуқаролик ҳужжатимиз – паспортимиз билан фахрланишимиз, шу билан бирга уни ҳурмат қилиш муқаддас бурч эканлигини унутмаслигимиз лозим, – дейди туман ИИБ Паспорт бўлинмаси бошлиғи, майор Валижон Абдусатторов. – Шу мақсадда ходимларимиз туман ҳудудида яшовчи фуқаролар ўртасида паспорт қоидаларига риоя этиш бўйича ташвиқот-тарғибот ишларини олиб боришмоқда. Жумладан, маҳаллаларда, қишлоқ фуқаролар йиғинларида бўлиб, учрашувлар, суҳбатлар ўтказилди. Энг муҳими, фуқаролар билан қилинаётган бевосита мулоқотлар турли тушунмовчиликларга барҳам бермоқда.

**Суратларда: туман ИИБ Паспорт бўлинмаси ходимлари иш фаолиятидан лавҳалар.**





***Савол: Давлат ва жамоат вазифаларини бажарганда, сайлов пайтида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда жалб этилган ходимларга иш ҳақи тўланиши ҳақида маълумот берсангиз?***

**Ф.ОРИПОВ,**
**Иштиҳон шаҳри,**
**Ж.Махмудов кўчаси, 23 уй**

# ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ИШЛАРИГА ЖАЛБ ҚИЛИНГАНДА ХОДИМНИНГ МАОШИ САҚЛАНАДИМИ?

## Саволингизга адвокат Муҳаммад Абдуллаев жавоб беради

**Жавоб:** Меҳнат кодексининг 165-моддасида ходимлар давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган вақтида уларга бериладиган кафолатлар белгиланган. Бунга асосан, ходим давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган вақтида (сайлов ҳуқуқини амалга ошириш, депутатлик вазифаларини бажариш, тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси ишида иштирок этиш, ҳарбий бурчни бажариш, суриштирув органига, терговчи, прокурор ҳузурига ёки судга гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, мутахассис, таржимон, холис тариқасида чақирилганда, худди шунингдек суд мажлисларида халқ маслаҳатчиси, жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси, жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоаларининг вакили сифатида иштирок этганда, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда) иш берувчи уни иш жойини (лавозимини) сақлаган ҳолда ишдан озод қилиши шарт. Ана шу вазифаларни бажариш вақтида ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланади.

Ходимларнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажариши, шунингдек жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилиши билан боғлиқ кафолатли тўловларни пул билан таъминлаш манбалари ва бу тўловларни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланиши Меҳнат кодексининг 168-моддасида қайд этилган.

Шу боис, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарорининг 5-иловаси билан "Ходимларнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажаришлари, шунингдек, уларнинг жамият манфаатларига доир ҳаракатларни амалга оширишлари билан боғлиқ кафолатли тўловларни бериш" тартиби (ушбу тартибга Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 майдаги 135-сонли қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган) тасдиқланган.

Мазкур тартиб меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади, давлат ёки жамоат вазифаларини бажарувчи, шунингдек, жамият манфаатларига доир ҳаракатларни амалга оширувчи ходимларга кафолатли тўловларни пул билан таъминлаш манбаларини ва уларни беришни белгилайди.

Ушбу тартибга асосан ходимлар томонидан давлат ёки жамият манфаатларига доир қуйидаги бажариладиган вазифалар амалга оширилиши лозим:

сайлов ҳуқуқини амалга ошириш;

депутатлик ва сенаторлик вазифаларини бажариш;

тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси ишида иштирок этиш;

ҳарбий бурчни бажариш;

суриштирув органларига, терговчи, прокурор ҳузурига, судга гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, мутахассис, таржимон, холислар тариқасида (чақириқ бўйича) бориш;

халқ маслаҳатчилари, жамоат айбловчилари ва жамоат ҳимоячилари, жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоалари вакиллари сифатида суд мажлисларида, шунингдек, қонун билан назарда тутилган бошқа ҳолларда иштирок этиш;

Ходимлар томонидан жамият манфаатлари йўлида қилинадиган қуйидаги ҳаракатлар содир этилган бўлиши лозим:

авариялар, табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш;

инсон ҳаётини сақлаб қолиш;

қуйиш учун қон топшириш ва бошқа ҳоллар.

Мазкур тартибнинг 3-бандида давлат ёки жамоат вазифаларини бажариш вақтида (қонун билан белгиланган ёки тегишли органнинг чақириқ қоғозида, хабарномасида кўрсатилган вақтда) иш берувчи ходимнинг иш жойи (лавозими)ни сақлаган ҳолда уни ишдан озод қилиши шартлиги, 4-бандида эса ходимнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажариши, шунингдек, унинг жамият манфаатларига доир қилаётган ҳаракатлари вақтида ушбу вазифаларни бажариш учун қонун билан белгиланган вақтдаги ёки тегишли орган томонидан берилган маълумотномада кўрсатиб ўтилган муддатдаги лимитга мувофиқ ўртача иш ҳақи сақлаб қолиниши белгиланган.

Тартибга биноан ходимларнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажариш, шунингдек, жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилишлари вақтидаги уларнинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш билан боғлиқ харажатлар:

бюджет ҳисобидан - бюджетдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар томонидан;

хўжалик ҳисоби асосида - ҳисобот давридаги амалда ҳисобланган кафолатли тўловлар миқдорида солиқ тўловлари суммасини камайтириш билан молиявий фаолиятни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар томонидан қопланади.

Давлат бошқаруви органлари, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва бошқа хўжалик бирлашмалари бошқарув аппарати, шунингдек, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, молиявий таъминлаш манбаларидан қатъий назар, ходимларнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ кафолатли тўловларни ташкилотларнинг иш ҳақи фонди ҳисобидан амалга оширадилар.

Шу билан бирга, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида Сайлов комиссияларининг ишини ташкил этиш ва уларнинг ваколат муддати белгиланган.

Ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ёки аъзоларидан бошқа бири комиссиянинг қарорига биноан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин. Бунда сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан унинг ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

## Йиллар мазмуни

**Қоракўл тумани Бухоро вилояти марказидан қарийб 100 чақирим олисда жойлашган. Шунга қарамай бу ерда аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Олис қишлоқларда янги тиббий масканлар қад ростлаб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, ишчан, билимли кадрлар билан мустаҳкамланди.**

# ОЛИС ТУМАН ШИФО МАСКАНИ

Марказий шифохона бош ҳакимининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ўринбосари, олий тоифали акушер-гинеколог Хадича Исмоиловани бир гуруҳ врач ва ҳамширалар ҳамкорлигида Бандбоши қишлоқ врачлик пунктида учратдик. Шифохона жамоаси билан хонадонларда бўлиб, фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказишаётган экан. Туғиш ёшидаги аёллар ва ўсмир қизларнинг соғлиғи текширилиб, 2 ёшгача бўлган болалар юқумли касалликларга қарши эмланибди.

– Инсоннинг ҳаёти туғилишидан умрининг охирига қадар тиббиёт билан боғлиқ, – дейди биз билан суҳбатда бош врач ўринбосари. – Шуни назарда тутиб, биз фуқаролар ўртасида тиббий маданиятни ўстиришга алоҳида эътибор қаратганмиз.

128 минг киши яшаётган туманда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг оила тиббий маданиятини ошириш, оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган қарорлари изчиллик билан амалга оширилаяпти. Оналик ва болаликни муҳофазалаш, ўсмир қизлар репродуктив саломатлигини яхшилаш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилаяпти. Туғиш ёшидаги аёллар, 14 ёшгача бўлган болалар, ўсмир қизлар тўлиқ кўрикдан ўтказилиб, касаллик топилганлари шифохона ва амбулатория шароитида даволанди.

Бирламчи тиббий санитария хизматини яхшилаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, даволаш-диагностика, касалликларнинг олдини олиш, тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилган. Айни пайтда битта марказий касалхона, 2 та шифохона, стоматология ва болалар поликлиникалари, аёллар маслаҳатхонаси, 5 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 4 та ҳудудий поликлиника, 27 та қишлоқ врачлик пункти ва бошқа шифо масканлари хизмат кўрсатмоқда. Бюджет маблағлари ва ҳомийлар ёрдамида 20 та қишлоқ врачлик пункти тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, замонавий тиббий хизмат шохобчаларига айлантирилди. Ҳар бир қишлоқ врачлик пунктида даволаш-муолажа, эмлаш, доялик хоналари ишлаб турибди.

Қораун, Яккалам, Бандбоши қишлоқ шифокорлик масканларида мукаммал таъмирлаш юмушлари амалга оширилиб, ҳар бирига «Саломатлик» жамғармаси томонидан 1 миллион 368 минг сўмлик тиббий жиҳозлар олиб берилди.

Оналар ва болалар соғлиғи доимий эътиборда. Туғруқларнинг табиийлигини таъминлаш, оналар кўзи ёриганда яқинларининг иштирок этишини йўлга қўйиш, туғруқдан кейин онанинг чақалоқ билан бирга бўлиши каби тиббиётдаги янги тажрибалар кенг қўлланилаяпти. Туғруқ мажмуасига 40 миллион сўм маблағ сарфланиб, мукаммал таъмирланди, керакли тиббий жиҳозлар келтирилди. «Ёш оналар» мактабида «Она сутининг мўъжизаси», «Она ва болага дўстона муносабат», «Бехатар оналик», «Чақалоқларни парваришлаш», «Репродуктив саломатлик» каби мавзуларда суҳбат ва мусоҳабалар уюштирилаяпти.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламлари – ногиронлар, якка-ёлғизлар, боқувчисини йўқотганлар бепул тиббий хизматдан фойдаланмоқда. Патронаж ҳамширалар ёлғиз қарияларнинг уйларига бориб, уларнинг аҳволидан хабардор бўлиб туришибди.

Ходимларнинг касбий малакаси ошириляпти. 5 нафар ҳамшира Исроил давлатига бориб, хорижий шифокорлар тажрибаси билан танишиб келди. Оила ҳамширалари хонадонлардаги санитария аҳволини ўрганиш билан бирга даволаш-муолажа тадбирларини олиб боришаяпти.

Аҳолига 295 нафар врач хизмат кўрсатаётган бўлса, уларнинг 3 нафари тиббиёт фанлари номзоди. 2000 дан ортиқ ўрта тиббиёт ходимларининг 600 га яқини олий тоифали ҳамширалардир.

Шифокорликнинг ўзига хос сир-синоатлари бор. Инсон соғлиғи учун масъул бўлган ҳар бир мутахассис қийин ва машаққатли касбнинг қадрига етиши, қатъият, билим ва малака, энг муҳими инсонийлик туйғуларини қалбига жо қилган ҳолда бемор дардига даво топиши керак. Олий тоифали жарроҳ Ғайбулла Болтаев, чақалоқларни парваришлаш бўлими мудири, Шоҳсанам Жумаева, олий тоифали асаб касалликлари шифокори Жаббор Қурбонов, тажрибали ҳамширалар София Раҳмонова, Ойжамол Тўраева, Ширин Аҳмедова, Нилуфар Султонова, Ойсара Пармонова сингари қўли енгил тиббиёт ходимлари хизматидан ҳамма мамнун.

Шифохона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ходимларни ижтимоий ҳимоялашга жиддий аҳамият бераяпти. Кам таъминланган оилаларнинг болаларидан 150 нафари ёзги оромгоҳларда соғломлаштирилди. Зарарли шароитда ишлаётган ходимларга сут маҳсулотлари берилаяпти. 48 нафар ёлғиз қариялар ва ногиронлар ортопедия воситалари ва дори-дармон билан таъминланди. Нафақага кузатилганларга моддий ёрдам кўрсатилди.

**ЁЛҚИН**



Муҳаммад КАРИМ олган суратлар



Яқинда Гулистон шаҳрининг «Алпомиш» спорт мажмуасида 2005 йил «Сиҳат-саломатлик йили» муносабати билан таэквандони ИТФ тури бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида республика очиқ чемпионати бўлиб ўтди.

Унда Бухоро, Самарқанд, Жиззах, Тошкент, Андижон вилоятларидан ташриф буюрган 500 нафарга яқин ёш спортчи иштирок этди.

Қизғин давом этган мусобақада умумжамоа ҳисобида мезбонлар биринчи, Тошкент вилояти иккинчи, Бухоро вилояти фахрли 3-ўринни эгаллашди.

Тадбир давомида шу куни бўлиб ўтган таэквандо бўйича очиқ республика чемпионати финал босқичи тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

**Суратларда: тадбирлардан лавҳалар.**

**Қорақалпоғистонлик иқтидорли спортчи Озод Ешатаев шу йил 21-29 июл кунлари эркин кураш бўйича Токиода ўтказилган Осиё чемпионатида иштирок этиб қайтди. У саксон саккиз килограмм вазн тоифасида барча рақибларини доғда қолдириб, қитъа чемпиони бўлди.**

## ЮРТДОШИМИЗ - ҚИТЪА ЧЕМПИОНИ

- Бу нуфузли мусобақа мен учун жуда катта мактаб вазифасини ўтади, - дейди у. - Қўлга киритган ғалабаларим осонликча бўлгани йўқ, албатта. Дастлаб кореялик курашчи билан гиламга чиқиб, ўз имкониятларимни синаб кўрдим. Иккинчи рақибим таиландлик спортчи бўлди. Финалда ҳиндистонлик курашчини йиқитдим. Шоҳсупада турарканман, давлатимиз байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янграган чоғда жуда тўлқинланиб кетдим.

**(ЎзА)**

## Эл нетиб топғай мениким...

# ҲИРОТ АДАБИЙ МУҲИТИДА

Алишер Навоий ижодий бисоти билан танишган ғарб ва шарқ олимларининг кўпчилиги унинг ижодини бошдан-оёқ тасаввуфга даҳлдор дейдилар. Бу билан улар Навоийдаги мажозийликни бутунлай улоқтириб ташлайдилар. Иккинчи хил одамлар эса, айниқса рус ва ўзбек тадқиқотчилари, Навоийда сўфизмга оид масалалар бўлса ҳам у деярли йўқ даражада ўткинчи ҳолат деб, иложи борича уни тасаввуф ўзанларидан йироқлаштириб қўйдилар. Ҳатто, «Навоий сўфизм билан жиддий шуғулланмаган», деган даъвони исбот қилиш учун шоирни Атторга зид қўйган олимлар ҳам бўлдики, бу Навоий «марксистик услуб меҳваридан четга чиқмаган» деган ғояни сингдириш учун зарур эди.

Аслида-чи? Аслида сўфизм деб аталган азим дарё XI-XVI асрлар адабиётни деярли домига тортиб, уларга ўз таъсирини ўтказган эди. Бироқ, улуғ сўфийлар мактабининг ўзи ҳам бутун бир яхлит мазҳабдан иборат бўлган эмас. Улардаги оқим ва фирқаларни анча чуқур текшириб, тадқиқот ёзган Исмоил Ҳикмат 1926 йилда чоп этилган «Адабиёт тарихи» китобида атрофлича маълумотлар беришга ҳаракат қилади.

Буюк Навоий Мансур Ҳаллождан бошланиб, Насимий ижодида давом этган инсонда Оллоҳ тажассум топганлиги ҳақидаги фалсафий ғояни қўллаб-қувватлайди. Навоий Мансур Ҳаллож ғояларини чуқур тушунтирган, унинг дунёқараши асосида бир қанча тасаввуф асарларини ёзган Фаридиддин Аттор ижодини ўрганган эди. Бошқача айтганда, Фаридиддин Аттор шоирга Мансур Ҳалложни янада чуқурроқ танитган эди. Аттор тасаввуфи Жамолиддин Румий ижодига ҳам сезиларли таъсир ўтказган эди.

Навоий бу устозлардан ўрганган тасаввуфий ғояларни кейинчалик бир қанча асарларида татбиқ қилди. Масалан у «Ҳайратул аброр» асарида Худо, инсон ва табиат ҳақида махсус фикрлар билдириб, Ҳалложлар, Насимийлар фалсафаси билан бир хил фикрда эканлигини намоён этади. У табиат, борлиқ хусусида фикрлар билдиради. Навоий фикрича, Оллоҳ табиатнинг ўзида намоён этилган.

Жўнайд ва Ғаззолийлар бошлиқ мистик сўфийлар табиатни ҳам, одамни ҳам аянчли маҳлуқ деб таништирган бир кезда, Ҳалложлар, Насимийлар ва Навоийлар уни «ашрафул-маҳлуқот» деб таърифлайдилар. Шу жиҳатдан ҳам Навоий инсонни Оллоҳ даражасига кўтариб мақтаган Мансур Ҳаллож ижобий майл билан қараган эди. Шунинг учун ҳам унинг бир қатор ғазалларида тасаввуф истелоҳларини қуюқ ишлатиб, сўфиёна мазмунга зеб берган байтларига дуч келамиз.

*Қути ботин истаким, зоҳир*
*гизоси бирла табъ,*
*Бир замон гар топса лаззат,*
*бир замон кўрмас лазиз.*

Ёруғ дунёда нафас олишни зоҳирий деб ҳисоблаб абадий бўлган ботиний оламни унга қарама-қарши қўйиш ҳам сўфийларимизнинг асосий низомномаларидан бири бўлган. Навоийда тўғридан-тўғри сўфийлар Оллоҳ сўзининг сўнги ҳарфларидан олинган «Ҳу» лафзи иштирокидаги анъанавий даъватлардан ҳам фойдаланади.

*Дер Навоий, ғайр эмас мавжуд,*
*Турфа сўз «Ло илоҳа иллоҳу»*

Бу ўринда мавжуд (Оллоҳ) одамдан, табиатдан бўлак эмаслиги аниқ қилиб айтилаётир. Бундай сатрларни яна ва яна келтираверишмумкин. Кўринадики, Навоий сўфийлик низомномасида расман қабул қилгунча қадар ҳам, унинг таъсирида кўплаб ғазаллар ёзган. Навоий замондошларининг энг кўркам вакиллари саналган бир қатор шоирлар ҳам вазият тақозоси билан сўфиёна майлларга берилганлар. У пайтда сўфийлик бутун Хирот адабий муҳитида бир анъана тусини олган. Масалан, у «Мажолисун нафоис» асарида ўз даврининг Муқимий таҳаллусини олган шоири ҳақида гапириб келиб, унинг сўфия истилоҳидан вуқуфу бор эди ва бу тоифа истилоҳига мувофиқ туркигўй эрди деб сўфизмнинг мавқеини алоҳида мартаба қилиб гапиради. Навоийнинг юзлаб, балки минглаб байтларида ҳам сўфиёна қарашлар зоҳирий ижод қоришиғида жилва қилиб туради. Унинг ҳар қадамда ваҳдот, вужуд, мавжуд, ҳақ, ишқ, май каби таъбирларни ишлатиши, унинг тасаввуфона кайфиятга доимо шай бўлиб туришини кўрсатади.

Дунё ишқига нафрат билан қараш Ҳалложлар, Насимийлар фалсафаси учун хос бўлган хусусият эди. Аммо, Навоий яшаган даврда ҳам орадан 450 йил вақт ўтган бўлишига қарамай, Мансур Ҳалложнинг инсонни Оллоҳ даражасида шарафлашига қарши турадиган қарашлар мавжуд эди. Жумладан, Навоийнинг устози Абдураҳмон Жомий ўз асарида Ҳалложга қарши танқидий фикрлар билдирган эди.

Лекин Навоий, табиийки, давлат арбоби сифатида Ҳалложлар, Насимийларнинг фалсафий ақидаларини очиқ мақтай олган эмас, бироқ унинг кўнглида бу улуғ сўфийлардан фахрланиш туйғуси бўлган.

Фикримиз тасдиғи учун Навоийнинг Ҳаллож хусусида айтилган мана бу фикрларига диққатимизни қаратайлик: «Машойих анинг ишида мухталифдурлар. (турлича қарашларга эга). Кўпчилиги унинг ғояларини рад қилибтурлар. Шайх Абул Аббос, Шайх Шиблий, Шайх Абу Абдуллоҳ Ҳариф, Шайх Абулқосим Насрободий, Шайх Абдуллоҳ Саранж кабилар ўз даврида унинг қатл этилишига розилик бермадилар ва фатво битмадиларким, биз билмасмизким, ул не дейдур». Бу фикрларни келтириб бўлгач, Навоий Мансур Ҳалложнинг эл ўртасидаги мавқеини кўрсатиш баҳоносида ўша даврнинг энг мухтасар манбаларидан «Кашфул маҳжуб» китобида ёзилган далилларга суяниб «кейинги машойихлар уни бутунлай маъқуллаганликларини, Ҳаллож давридаги машойихлар эса ҳукмдорлар билан чиқишиш ниятида атайин уни маъқулламаганликларини» кўчирма сифатида келтиради. Шоирнинг бу борада «Кашфул маҳжуб»га суяниб иш кўриши жуда таҳсинбобдир, чунки бу китоб ўша даврнинг энг ишончли манбаларидан бири бўлган.

**Маҳмуд НАЗАРОВ,**
**филология фанлари номзоди**
**(Давоми бор)**

## Турфа олам

**Табиат ва жамият ҳодисаларини олдиндан кўриш тўғрисидаги фан – футурологиянинг куртаги XIV асрда бошланган эди. Энди олим ва адиблар жонли табиатни, парранда ва ҳашаротларнинг осмон узра қанот қоқиб учишини кузатар эканлар, биз ҳам шу жонворларга ўхшаб учсак бўлмасмикан, деб жиддий равишда бош қотира бошлайдилар.**

## ИЛМИЙ БАШОРАТ ВА ҲАҚИҚАТ

Чунончи, инглиз табиатшуноси Френсис Бэкон ўзининг «Янги Антлантида» деган асарини ёзиб, унда инсон ҳам жониворларнинг қанотига ўхшаш қурилма ясаб, осмонда парвоз қилиши мумкин, деган ғояни илгари сурди.

Илмга, ҳаётга яқин хаёлий асарлар ёзишни машҳур француз адиби Жюль Верн бошлаб берди. Унинг кўпчилик хаёллари, ўй-орзулари илмий жиҳатдан асосланган эди.

Шу боис тасодифий эмаски, ёзувчи Ж.Верн асарларида тасвирланган 108 кашфиётдан ҳозир қарийб 70 дан ортиғи амалга ошган.

Адибнинг «Ҳаво кемаси» романи авиациянинг отаси Жуковскийнинг тез-тез мурожаат қилиб турадиган китобларидан бўлган. Машҳур олим Циолковский ўз асарларида Ж.Верн номини ҳурмат билан тилга олади. Кимёгар кашфиётчи Менделеев эса уни «фан даҳоси» деб атаган эди.

Авиатор, дирижабль ва дастлабки самолётларнинг конструктори француз Сантос-Дюмон Ж.Верн ҳақида: «У мени алалоқибат қўлга киритиладиган ғалабага шубҳаланмаслик илмига ўргатди», деган бўлса, Шимолий ва Жанубий қутб устидан учиб ўтган адмирал Бэрд «Жюль Верн мен учун йўлчи юлдуз бўлди», деб ёзган эди.

**А.АЛИЕВ тайёрлади**

## Ёз гашти ўзгача

# «РОҲАТ»НИ ТАНЛАБ ЯНГЛИШИШМАДИ

Қарши Давлат университети Қашқадарё вилоятидаги етакчи илм масканларидан бири. Бу ерда 7400 нафардан ортиқ талаба 27 йўналиш бўйича таҳсил олади. 500 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар фан сирларини қунт билан ўргатиш мақсадида жонбозлик кўрсатишяпти. Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг сифат босқичи давом этаётган бир пайтда олийгоҳ талабаларга билим бериш билан бирга уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада университет маъмурияти ҳам бирлашган касаба уюшма қўмитасининг ҳамкорликда олиб бораётган иши ибратлидир.

— Ўқув йили тугаши билан асосий эътиборни кам таъминланган, ижтимоий ёрдамга муҳтож талабаларнинг ёзги таътил кунларини мазмунли ўтказишга қаратдик, - дейди университет ректори, профессор Бойназар Йўлдошев. - Бунинг учун воҳамизнинг энг сўлим масканларидан бири — Яккабоғ туманида жойлашган «Роҳат» соғломлаштириш оромгоҳи танланди. Бу ерда талаба ёшларнинг мазмунли дам олиб, соғлиқларини тиклашлари учун барча шароит муҳайё этилган. Биринчи навбатда кам таъминланган оила фарзандларидан 300 нафардан ортиғи дам олдирилди.

Университет бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Шарифжон Бобожоновнинг таъкидлашича, талабалардан ташқари ўқитувчилар ҳам ёзги таътил кунларини «Роҳат»да ўтказишди. Бугунгача 30 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар оромгоҳда, 5 нафари республикамиздаги «Чинобод», «Оқтош», «Зомин», «Қашқадарё соҳили», «Мироқи» санаторийларида дам олдирилди. Болаларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумини мазмунли ўтказиш учун университет ўқитувчиларининг 50 нафардан ортиқ фарзандлари Шаҳрисабздаги Ваҳоб Бердиев номли оромгоҳда ҳордиқ чиқаришаяпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур оромгоҳларда дам олаётганлар кунини мазмунли ўтказишлари учун амалга оширилаётган тадбирлар ғоятда фойдали бўлаяпти. Хусусан, «Сиҳат-саломатлик йили» дастури асосида ўтказилаётган тадбирлар оромгоҳдагиларда катта таассурот қолдирмоқда.

**Ш.СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## МУСАВВИРЛАР КЎРГАЗМАСИ

**Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвон саройида юртимиз мусаввирларининг «Фикр» деб номланган кўргазмаси очилди.**

Кўргазманинг айнан «Фикр» деб номлангани бежиз эмас. Унда намойиш этилаётган картиналар тасвирий санъат ихлосмандларини дунёнинг яралиши, ҳаётнинг мазмун-моҳияти, одамлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида фалсафий мушоҳада юритишга ундайди. Айниқса, Медат Кагаровнинг «Қайтиш», «Овчи», Инна Васильеванинг «Исфара», Нодир Шоабдураҳимовнинг «Икковлон» каби асарлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.


**«Савдогар» акциядорлик тижорат банки**

***Қуйидагилар Банк Бошқаруви таркибидан чиқарилди:***

Холжонбоев Умарали Абуллаевич Савдогарбанк Амалиёт Бошқармаси Бошлиғи

Холжонбоев Умарали Абдуллаевич 2005 йил 23 июлдан бошлаб Банк Бошқаруви таркибидан чиқарилди.

Савдогарбанк Кенгашининг 2005 йил 23 июлдаги қарори билан тасдиқланган.

**Савдогарбанк Бошқаруви таркибидан чиқарилган шахснинг банк устав капиталида улуши мавжуд эмас.**

**Хабарнома тартиб рақами 10**


## Билган яхши

**Ёз кунлари болани ўртача иссиқ сув билан, қиш куни эса иссиқроқ, лекин куйдирмайдиган сув билан чўмилтирилади. Чўмилтириш учун энг яхши вақт боланинг узоқ ухлаганидан кейинги вақтдир.**

# ОВҚАТ МИҚДОРИ

## у қандай белгиланади

Болани чўмилтириш вақтида уни ўнг қўли билан ушлаб, чап қўлининг билагига кўкраги билан ётқизилади, аммо қорни билан эмас. Чўмилтириш вақтида боланинг икки кафтини унинг орқасига ва оёқларини эса бошига аста-секин тегизишга ҳаракат қилади.

***

Гоҳо болаларнинг қулоқлари оқади, чунки болаларнинг гавдалари, айниқса, миялари жуда ҳўлдир. Шундай вақтда озгина юнгни бир оз аччиқтош ё зафарон ёки бир миқдор сода натрун билан аралаштирилган асал ва шаробга ботириб қулоқларига қўйилади.

***

Овқатнинг миқдори одат ва қувватга қараб белгиланади. Унинг миқдори қуввати яхши бўлган кишиларда еганда оғир бўлмайдиган, қобирға бошларини чўзмайдиган, кўпчитмайдиган ва қулдуратмайдиган, меъда тепасига сузиб чиқмайдиган, кўнгил айнитмайдиган даражада бўлиши ҳамда ютоқишни ёки иштаҳа тушувини, зеҳн пастлиги ва уйқусизликни келтириб чиқармайдиган ва бир муддатдан кейин кекирганда овқатнинг мазаси келмайдиган миқдорда бўлиши керак. Узоқ муддатдан кейин кекирикда овқатнинг мазаси келиб туриши энг ёмон ҳолдир.

***

Кўришга зарар етказувчи нарсаларга келсак, улар баъзи ишлар ва ҳаракатлар, баъзи овқатлар ва уларни ишлатишдан иборатдир. Бу каби ишлар ва ҳаракатларга: ҳамма қуритувчи (нарсалар), масалан, ёруғ нарсаларга узоқ вақт тикилиб қараш ва майда хатларни ҳаддан ташқари кўп ўқиш киради. Бу ишларнинг мўътадил даражадагиси зарар қилмайди.

***

Бурун қонаши гоҳо томчилаш билан бўлади, гоҳо кучли қўзғалган қоннинг ғалабаси сабабли тирқираб келади. У баъзан мия томирлари ва ифтериялари тўқимасининг ёрилишидан бўлиб, уни кўпинча даволаб бўлмайди. У кўпинча бош оғриғидан, алангаланишдан, ўткир касалликдан ёки йиқилиш ва урилишдан кейин бўлиб, унга мия ишларини бузилиш ҳоллари албатта эргашиб келади.

Бурун қонашини тўхтатувчи дорилар кучли буриштирувчи ё кучли совитиб, қуюлтириб қотирувчи, ё кучли ёпиштирувчи, ё ўткир ва куйдириб доғловчи, ё бошқа бир тўхтатиш хусусиятига эга, ёки икки, ё уч хусусиятини ўзида тўпловчи дорилардир. Тақасоқол ва араб акацияси ширалари, анор гули, қизил гул, ясмиқ дони, жумрут ва беҳи баргларининг ширалари ва қизил тасма кабилар буриштирувчи дорилардан саналади.

**Н.СОЛИҲОВА тайёрлади**


***Решением Хозяйственного суда Ташкентской области по делу №11-0522/3123 от 20.07.05.г. СП «Gress Asko», расположенная по адресу: Юкори-Чирчикский район, кол.хозяйство «Узбекистан», признана банкротом и открыто ликвидационная производство; ликвидационным управляющим назначен Махмудов Ю.Р.***

*Всем заинтересованным организациям желающим принять участиев восстановлении платежеспособности должника или имеющим требование к должнику просьба обращаться для участия в процедуре ликавидационного производства.*

**Контактные телефоны:**
**120-83-42; 120-83-30; 120-83-01.**

*Кўп тармоқли «МИГА пульс» тиббий фирмаси масъулияти чекланган «Миркамол» тижорат фирмаси билан бирлашаётганлиги сабабли даъволар эълон чоп этилган кундан эътиборан бир ой муддат ичида қабул қилинади.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 52.**
**Тел: 79-37-64; 79-72-49**


Ўзбекистон Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмати ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши жамоаси Сирдарё вилоят вакиллиги бош ҳисобчиси Людмила Прибытковага онаси

**Софья ИВАНОВНА**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши жамоаси Марказий Кенгаш меҳнат муҳофазаси бўлимининг мудири Аҳмед Абдуллаевга бувиси

**ЗИЁДА она**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши Тошкент ахборот технологиялари Университети Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Каримберди Игамбердиевга отаси

**АБДУЛЛО ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**ISHONCH**

**МУАССИС:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.00

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компаниясининг босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 7765 Буюртма Г— 616 1 2 3 4 5 6